

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР БУНЁД ЭТИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.

Абриев Ҳазраткул Бўронович.

СамДУ ўқитувчиси

+998915365154. hazratqula3@gmail.com

Аннотация. Ўрта Осиёда Амир Темур томонидан янги, ўз даврининг қудратли давлати - Темурийлар салтанатига асос солинди. Бу сулоланинг вакиллари Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзо кабилар илм-фан ва маданиятга улкан ҳисса қўшди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, тарихий манбалар ва сўнгги йиллардаги тадқиқотлар натижасида Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, тарихнавислик, таълим, меъморчилик, тиббиёт, шаҳарсозлик ва бошқалар юксак даражада тараққий этганлигини кўрсатмоқда. Ушбу мақолада Амир Темур ва Темурий ҳукумдорларнинг меморчилик ишлари, ҳусусан, мадрасаси, расадхонаси ҳамда илмий билимлар ривожига қўшган улкан ҳиссалари тарихшунослик нуқтайи-назаридан ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Амир Темур, Темурийлар, Шохруҳ, Улуғбек, Абу Саид, Ҳусайн Бойқаро, Боур Мирзо, Алишер Навоий, тарихшунослик, Шарафуддин Али Яздий, Гийосиддин Али, Рус шарқшунослиги, В. В. Бартольд, Н.И.Веселовский, В.Л. Вяткин.

Аннотация. В Средней Азии Амир Темур основал новое, могущественное для своего времени государство - Тимуридское царство. Представители этой династии, такие как Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хусейн Бойкаро, Бабур Мирзо и др., внесли большой вклад в науку и культуру, медицину, градостроительство и другие отрасли. Это показывает, что государство развивалось на высоком уровне. В данной статье освещаются монументальные работы Амира Темура и тимуридских правителей, особенно медресе, обсерватории, а также их большой вклад в развитие научных знаний с точки зрения историографии.

Ключевые слова. Амир Темур, Тимуриды, Шахрух, Улуғбек, Абу Саид, Хусейн Бойкара, Бур Мирза, Алишер Навои, историография, Шарафуддин Али Язди, Гиясиддин Али, русское востоковедение, В. В. Бартольд, Н.И.Веселовский, В.Л. Вяткин.

Annotation. In Central Asia, Amir Temur founded a new, powerful state for his time - the Timurid kingdom. Representatives of this dynasty, such as Amir Temur, Mirzo Ulugbek, Hussein Boykaro, Babur Mirzo and others, made a great contribution to science and culture, medicine, urban planning and other

industries. This shows that the state has developed at a high level. This article highlights the monumental works of Amir Temur and the Timurid rulers, especially madrasas, observatories, as well as their great contribution to the development of scientific knowledge in terms of historiography.

Keywords. *Amir Temur, Timurids, Shahrukh, Ulugbek, Abu Said, Hussein Boykara, Bur Mirza, AlisherNavoi, historiography, Sharafuddin Ali Yazdi, Giyasiddin Ali, Russian Oriental Studies, V.V. Bartold, N.I. Veselovsky, V.L. Vyatkin*

Амир Темур ва Темурийлар даври меъморчилиги тарихига оид асосий манбалар шарҳидан сунг илмий адабиётга мурожаат этмоқ керак. Бу мавзудаги илмий адабиёт йил сайин кўпайиб, жаҳон тарих адабиётининг муҳим бир тармоғини ҳосил қилди. Шундай бўлиши табиий эди, чунки Амир Темур ҳаётлик даврида нечоғлик машҳур бўлган бўлса, вафотидан кейин Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам янада шуҳрат қозонди. Унинг буюк, бетакрор ва ёрқин шахси, қудратли иродаси ва кенг қамровли, тобора илгарилаб борувчи ҳаракатлари ўз довруғи таъсирини тобора кучайтириб, бир қатор мамлакатлар ва давлатлардаги миллион-миллион халқ оммасининг онги ва шуурига ўрнашиб қолди. Амир Темурнинг давлат арбоби, ташкилотчи ва бунёдкор, сиёсатчи ва дипломат сифатидаги кўп қиррали таржимаи ҳолини унинг ички ва ташқи сиёсати доирасига кирган халқлар тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганишга дунё олимларининг қизиқиши ортиб бораётганлиги боиси ҳам мана шунда. Академик В.В.Бартольд илмий меросида Амир Темур ва ўша замон ҳақидаги маълумотлар жўда кўп. Бу маълумотлар уйғунликда каттагина билим ҳазинасини ташкил этади. Амир Темур ҳақидаги адабиётда унинг шахсига ҳос қизиқувчанлик, олимларга, адабиёт ва санъат арбобларига ҳомийлик, шатранж уйинига қизиқиш, ташқи ва ички сиёсат масалаларидан хабардорлик каби фазилатлар тез-тез таъкидлаб ўтилади. Соҳибқироннинг бу муҳим жиҳатлари В.В.Бартольд томонидан лунда, аниқ ва ифодали тарзда акс эттирилган. «Темур,— деб ёзган эди В. В. Бартольд,— ўз она (туркий) тилидан ташқари форс тилида ҳам сўзлашар, олимлар билан суҳбатлашишни, айниқса тарихий асарларни ўқитиб тинглашни яхши кўрар эди; ўзининг тарих соҳасидаги билимлари билан мусулмон тарихчиларининг энг буюғи бўлмиш Ибн Халдунни хайратга солди; Амир Темур ўз жангчиларининг руҳини кўтариш учун тарихдаги шавкатли ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги ривоятлардан фойдаланарди. Темур ҳарбий кучлар ташкил этилишининг барча иқир-чиқирларини шахсан суриштириб турар, душманларнинг кучи ва улар улқасининг аҳволи ҳақида

батафсил маълумот олар эди. Амир Темурнинг шахсан иштирокида бунёд этилган иморатлар ноёб бадиий дид билан бино қилингани сезилиб турибди». Олимнинг яна бир хулосаси диққатга моликдир: Амир Темур мусулмон рухонийларига нисбатан «аввало сиёсий мулоҳаза билан иш тутар эди. Амир Темур диндорларга сиртдан иззат-икром кўрсатар, диний мол-мулкни бошқаришга аралашмас ўз фуқаролари дин ақидаларига риоя этишлари ҳақида ғамхурлик қилар эди. Аммо ҳарбий кўрилиш ва аҳолининг турмуши фақат қонунлар билан белгиланар эди»[1].

Амир Темур давлатда тартиб бўлиши ғояларини илгари сўрганлигини, Мовароуннаҳр аҳолисининг фароғати учун шундай бўлиши зарур эканини ва бир-бирига душман бўлган майда ҳукмдорлар мавжудлиги шароитида бўнга эришиб булмайди деб ҳисоблаганини ҳам Бартольд таъкитлайди. У 1370 йилги қурултой, Темурнинг олиб борган урушлари ва уларнинг аҳамияти; мамлакат иқтисодий салоҳияти, маданияти ва санъатининг ривожланиши, савдо-сотик, алоқа йўллари ва суғориш иншоотлари ҳақидаги ғамхурлик, мамлакатни идора қилиш соҳасида Амир Темур томонидан ривожлантирилган бошқарув усуллари; давлат ҳокимияти тўзилмасида акс этирилган ижтимоий шарт-шароитлар; рухонийлар ва савдогарларнинг роли (деҳқон қатламлари) каби масалалар қамраб олинганлигини ёзади. Амир Темур «серғайрат қурувчи» бўлганини Бартольд бир неча бор таъкидлаб ўтди. У гўзал боғлар билан қуршалган мухташам бинолар бунёд этди, шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклади, ариқ ва зовурлар қазирди ва уларни тузаттирди; расмий тарихдаги иборага кўра, у бирон-бир экин экиш мумкин бўлган ерларнинг бўш ётишига йўл қўймас эди. Матннинг руҳига қараганда, бу ўринда Бартольд айни Мовароуннаҳр ерларини назарда тутган бўлса керак. Аммо бошқа бир ўринда Бартольд «Темур ўзи туғилиб усган Мовароуннаҳрдагина эмас, Хуросонда ҳам, Муғон дашти ва Қобул ҳавзаси каби олис жойларда ҳам улкан суғориш иншоотлари қурдирганини» таъкидлаб ўтади (Шарафуддин Али Яздий ва Ғиёсиддин Алининг асарларида ҳам шу фикр учрайди). Амир Темур барпо этган салтанат унинг ворислари даврида унчалик ўзоқ давом этмаганлиги хусусида фикр юритилганда В.В.Бартольднинг сезгирлик билан қилган кўзатуви диққатга сазовордир. В.В.Бартольд Шарқ турмуши фақат сулолалар тарзигагина боғлиқ, деган фикрни эскириб қолган ва нотўғри деб ҳисоблайди ва «Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам вайронгарчиликларга анча мураккаб баҳоналар сабаб бўлганлиги аллақачон аниқланган» деган фикрни билдиради. Туркистондаги давлатчилик тарихи юзасидан В.В.Бартольд тўзган ва шу вақтгача эълон қилинмай қолган матннинг Амир Темурга бағишланган учинчи қисми алоҳида аҳамиятга молик.

В.В.Бартольд нафақат Амир Темур, балки, унинг ворислари Шохрух, Улуғбек, Абу Саид (унинг хотини), Хусайин Бойқаро, Боур Мирзо, улуғ шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийларнинг меъморчилик ва ободончилик ишларини юқори баҳолаган [2]. айниқса Шохрухнинг Хурбонда ва Улуғбекнинг Мовароуннаҳрда олиб борган ободончилик ишларини алоҳида таъкидлаб ўтган [3].

Рус шарқшуносларида Амир Темур ва Темурийлар ҳукумронлиги даври ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти нисбатан яхшироқ урганилган. Ана шундай шарқшунос олимлардан бири Н.И.Веселовский ҳисобланади. Н.И.Веселовский Амир Темур ва Улуғбек шахсияти, давлат бошқаруви ва солиқ сиёсати, илм-фан ривожини билан бирга Самарқанд шаҳрида олиб борган меъморчилик ҳамда ободончилик ишларини ўрганган [4].

Лекин Н.И.Веселовский тадқиқотларида ҳам В.В.Бартольд ва бошқа рус шарқшунослари қарашларидан мустасно эмас, яъни Амир Темур шахсига биртарафламалик мавжуд. Яъна бир шарқшунос В.Л. Вяткин. У Самарқандда қўрилган Гўри Амир мақбараси, Улуғбек Расадхонаси, мадрасалар, боғлар ва кутубхоналар ташкил этилишини ўрганган [5]. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки Улуғбек расадхонаси ўрнини аниқлашда Самарқандлик Абу Саъид Маҳсум ёрдамлашган бўлсада унинг исми расадхона топилишида келтирилмаган, бунинг сабаби мустамлакачилик ва шўролар даври шовинистик қарашлари билан боғлиқ. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган яна бир тадқиқотчи А.Ю.Якубовский ҳисобланади. А.Ю.Якубовскийнинг Амир Темурга бағишланган асари биринчи марта XX аср 30-йилларида босилиб чиқди [6].

У Соҳибқироннинг довураклик, саҳийлик, одамларнинг яхши ҳислатларини сезиш, ўзига керакли ёрдамчилар танлай олиш, раҳбарликкила олиш каби фазилатларини алоҳида ўқтириб ўтади. У Мовароуннаҳрнинг барча ҳукмдорлари орасида биринчи ва яққою ягона ҳоким бўлиб олгач, айрим жойларда итоатсиз ва жангари ҳокимларга қарши курашни кучайтирди, «кўпгина шаҳарларнинг аҳолиси ва деҳқонлар, шунингдек, мусулмон руҳонийларнинг намояндалари унинг бу ишини бажонудил қўллаб-қувватладилар». Якубовскийнинг таъкидлашича, Амир Темур «катта миқёсда ҳукмдор сифатида савдо-сотикнинг фойдали эканини яхши тушунар», «дунё карвон савдоси йулларида ҳукмронлик қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди». У Олтин Ўрдани ўзил-кесил тор-мор этганида, шу ниятни кўзлаган эди. Зўр ташкилотчилик истеъдодига ва буқилмас иродага эга булган Амир Темур «том маънода ўз даврининг фарзанди эди». Амир Темур бепоён феодал салтанатни барпо этиш билан

бирга уни майда ер-мулкларга (суюрғол тизими) парчалаб ташлади. Фақат Мовароуннахргина (Фарғонадан ташқари) бўлинмади, бу ерда маъмурий бирликлар (туманлар) сақланиб қолди. Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди «икки соҳада: қушин ташкилотчиси ва саркарда сифатида намоён бўлди». Сиёсатчи сифатида Амир Темур айниқса амалий фойда келтириши мумкин бўлган билимларни кадрлар эди. Ҳукмдорнинг мусулмон руҳонийлари билан дўстона муносабати унинг машҳур бўлишига кумаклашди. А.Ю.Якубовскийнинг пировард хулосаси шундан иборатки, Марказий Осиёда Амир Темур фаолияти «кўпгина ижобий жиҳатларга эга эди. У феодак бош-бошдоқликларни ва феодак парокандаликни тўғатишга интилди, катта қурилиш ишлари олиб борди»[7].

Бу борада И.П.Петрушевскийнинг фикри ҳам эътиборга сазовор. У «Движение сербедаров в Хорасане», «Иран под властью Тимура и Тимуридов» асарларида, Амир Темурнинг ҳарбий юришларига «Европа — Осиё карвон йўллари устидан тўла назорат қилишни кўзловчи муайян иқтисодий режа асос қилиб олинган эди» деб таъкитлаб, Эронни, Кавказорти ва Кичик Осиёни эгаллаб олиш ҳаракати ҳам шу режага киритилганлигига эътибор қаратади, чунки карвон йўллари асосан шу мамлакатлар орқали ўтар эди. У шу билан бирга Темур ва Темурийлар даври меъморчилик ҳамда ободонлаштириш ишлари ҳам ёритиб ўтган, хусусан, Темурнинг масжидлар, мадрасалар қўрдириши, сўғориш тармоқлари ва боғдорчилик ишларига юқори баҳо берган[8].

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихини ўрганган Конрад Темурийлар даври хусусан Хусайн Бойқаро ва унинг вазири бўлган Алишер Навоийнинг давлат бошқаруви, илм-фанга ҳомийлиги ва меъморчилик ишларига ҳам алоҳида эътибор берган [9].

Бу даврда Хуросон пойтахти Хиротда 4 та мадраса, 25 та масжид, 11 та хоноқо, 50 га яқин работ, ховузлар, кўпириклар қўрилган ҳамда тўғонлар, каналлар ва ховузлар қазилган. Қадимги Самарқанд, яъни Афросиёб ўрнини қозиш билан бирга XIV-XV аср меъморий обидаларига алоҳида ўрин эгаллайди. Бу қозиш ишларида машҳур археолог Шишкин В.А. ҳам иштирок этиб Амир Темур ва Темурийлар меъморчилигини қизиқиш билан ўрганди. У «Гури-Эмир. Бюллетень АН УзССР», «Гури-Мир. Научные труды Ташкентского государственного университета. Вып. 232. Археология и антропология» рисолаларида Гури Амир ва Самарқанддаги бошқа меъморий обидаларнинг қурилиши, меъморий услуби, меъморлари тўғрисида тўхталиб ўтган[10].

Бу борада ота-бола Массонлар ҳам анча ишларни амалга оширди. Михали Михайлович Массонлар айниқса салмоқли ишлар олиб борган. У

Самарқанд шаҳридаги бирқанча меъморий обидаларни хусусан, Биби-Ханим жоме масжиди, Гур Амир макбараси, Регистон майдонидаги мадрасалар, шаҳар атрофидаги боғлар, Тошкентдаги ва Аҳмад Яссавий макбараси бунёт этилишини; «Мавзолей Гур-Эмир, усьшалъница Тимуридов», «Регистан и его медресе», «Соборная мечеть Тимура, известная под именем мечети Биби-Ханим», «Третий кусок нефритового намогильника Тимура», «Мавзолей Ходжа Ахмада Яссави» каби тадқиқотларида тўхталиб ўтган [11].

Вадим Мехайлович Массон эса Амир Темур ва Темурийларнинг Хуросондаги меъморчилик ва ободончилик ишларини ўрганди. Хуросондаги меъморчилик, боғдорчилик ва суғориш иншоатлари қурилиши ҳамда таъмирланиши борасида, В.М.Массон Ромодин В.А билан бирга чоп эттирган «История Афганистана» ва «Тимур и Тимуридидим» асарларида атрофлича ўрганди [12]. Массон М.Е ва В.М.Массонларнинг тадқиқотларида ҳам ўша давр сиёсий қарашларидаги Амир Темур ва Темурийларни давр нўқтаи-назарига этибор бермасдан, шахсий камситиш, ҳарбий юришларини ноҳақлик сифатида ёритилган. Албатта, бу қарашлар Маркизча-Ленинча қарашларнинг таъсирда эди.

Йирик тадқиқотчи А.Г Пугаченкова Амир Темур ва Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганди. А.Г Пугаченкова ўз асарларида Амир Темур ва Темурийлар даври манбаларини таҳлил этишдан бошлади. Хусусан, Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундалик»ларини рус тилига таржима қилиб ижтимоий-сиёсий ва меъморчилик соҳасидаги ишларини ёритишга ҳаракат қилди [14]. Шу билан бирга Амир Темур ва Темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда меъморчилик, ободончилик ва боғдорчилик масаласида жуда кўплаб ишларини амалга оширди. Ўзининг «Садово-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и Тимуридов», «Самарқанд. Бухара. По древним памятникам Самарқанда и Бухара», «Темурнинг меъморий мероси» каби асарларида Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз, Тошкент, Ҳирот ва бошқа ҳудудларида Амир Темур, Шохрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийларнинг илм-фан, меъморчилик ва ободончилик ишларини ҳосил ўрганишга ҳарикат қилган [14]. 1968-йил Самарқанд шаҳрининг 2500-йиллиги нишонланиши муносабати билан Амир Темур ва Темурийлар собиқ иттифоқ даврида ҳам ўрганилади. Биринчи навбатта илм-фан ва маданият, меъморчилик соҳалари чуқур ўрганилди.

Бу борада жуда самарили ишларни тадқиқотчи Р.Г.Мукминова олиб борди. Р.Г. Мукминова асарлари ва мақолаларида асосан Амир Темур ва Темурийларнинг даври ижтимоий ҳаёти, хусусан қишлоқ хужалиги, ҳунардандчилик, товар-пул муносабатлари ва савдо-сотиқ ишларини

ёритишга ҳаракат қилган. Олима ўзининг «Ремесло и торговля (при Тимуре и Тимуридах)», «Темур ва Улугбек даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт», «Ремесленное производство в Самарканде времени Улугбека», «Эпоха Улугбека: ремесленное производство», «Социальные слои населения по «Махбуб ал-кулуб» Алишера Навои»[15] каби рисолаларида Амир Темур ва Темурийлар даври хунармандчилик ишларини ўрганган бўлса, «Расширение торговых взаимосвязей в Мавераннахре при Амуре Темуре» рисоласида товар-пул муносабатларини ёритиб берган[15].

Р.Г.Мукминовадан фарқли улароқ А.А.Асанов алоҳида бир иншоат яъни, Бибиҳоним масжиди номи билан машҳур бўлган Жомеъ масжиднинг қўрилиши тарихини ўрганди. Асарда масжид қурилиши, меъморлари, қурилиш тўғрисидаги афсонанинг ҳақиқат ё уйдирма масалалари чуқур тадқиқ этилган[16]. Амир Темур ва Темурийлар даври буйича йирик тадқиқотлар ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий текшириш институти олимларининг ишлари асосий ўрин эгаллайди. Бу борада академиклар А. Уринбоев ва Б.Аҳмедовлар ишлари муҳимдир. Йирик шарқшунос олим Асомиддин Уринбоев ўша давр сиёсий тазиқларига қарамай Амир Темур ва Темурийлар даври манбаларидан Низомиддин Шомийнинг Зафарнома ва Абдураззоқ Самарқандийнинг Матлаъи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн, Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистонга саёхат кундаликлари, Мирза Мухаммед Хайдарнинг Тарихи Рашиди асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Бу нақадар қалтис ва хатарли эканлигини Иброҳим Муминов асари мисолида юқорида қайт этиб ўтгандик. Шуларни ҳисобга олганда бу улкан жасоратдир. Манбаларни таржима қилиш билан бирга сулола вакилларининг Моварауннаҳр, Хуросон, Озарбайжон ва бошқа худудлардаги меъморчилик, боғдарчилик ҳамда суғориш иншоатлари бунёд этиш ишларини ёритиб берган[17].

Шарофиддин Али Яздийнинг Зафарномасини таржима қилиниб чоп этилишида катта хизмат қилди ҳамда асарни қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир сифатида тулиқ ҳолатда нашр эттирди. Бўрибой Аҳмедов эса асосан Амир Темур ва Темурийлар даври алоҳида шахсларнинг фаолияти, илм-фанга қўшган ҳиссалари, дипломатияси масалаларини ёритиб беришга ҳаракат қилган. Хусусан, Амир Темур, Улугбек, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир ва бошқа тарихий шахсларнинг фаолиятини тадқиқ қилган[18].

Албатта, Собик Иттифоқи даврида Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ўзига хос машаққат эди. Чунки, бу давр тўғрисида ёзишда комунистик мафкура холис тадқиқот олиб боришга имкон бермай,

Амир Темурни босқинчи ва талончи деб талқин этарди ва атистик қарашлар бу давр ислом дини уламолари фаолиятини ҳам холис ўрганишга йўл қўймас эди. Шундай бир даврда Темур ва Темурийлар даврини тадқиқ этиш учун жазм этиш ўзи жасорат ҳамда шижоатни таълаб этар эди. Шу билан бирга XX аср 70-йилларидан бошлаб алоҳида шахсларнинг фаолиятини ўрганишда айрим жихатларини ёритишда тусиқлар йўқ эди. Масалан; Улуғбекнинг илмий фаолияти, Алишер Навоийи лирикаси ва Бобур шеърляти масалаларини ўрганишлар учун имконият яратилганди. XX аср иккинчи яримидан бошлаб иттифоқдош булган давлатлар тарихи ёзила бошланган булиб, бу давлатлар тарихида Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи билан бўлган воқеалар хусусан, меъморчилик ва ободончилик ишлари ўрганилди. Озарбайжон, Қозоғистон ҳудудларида бунёд этилган макбара, масжид, купирик ва сўғориш иншоатлари (туғон, канал, арик) тарихи қисман бўлсада ёритилди [19].

XX асрнинг 80-90-йилларида Амир Темур ва Темурийлар даврини ўрганишга кенг имкониятлар очилди. Амир Темур ва Улуғбекнинг боғдорчилик ишларини ўрганиш ишлари ривож топиб борди. Алимов У. “Ўрта асрларда Мовароуннахрда боғдорчилик хўжалиги тарихи” асарида Самарқанд шаҳри атрофидаги Амир Темур ва Улуғбек даврида бунёд этилган боғлар чуқур ва атрофлича ўрганиб якуний хулосаларни берди [20]. Натижада, бу борада таъдқиқот ишлари анча олға силжиди.

Мустақиллик йилларида Амир Темур ва темурийлар даврини таъдқиқ этиш ишларига алоҳида эътибор берила бошланди. Натижада, Амир Темур ва Темурийлар сулоласи вакиллари фаолияти чуқурроқ ва тарихий манбалар ёрдамида комунистик мафкурадан ҳоли, ҳаққоний баҳо берила бошланди. 1994-йил Улуғбекнинг 600 йиллиги, 1996-йил Амир Темурнинг 660 йиллиги тантаналари ЮНЕСКО ташаббуси билан кенг нишонланди. Ушбу тантаналар муносабати билан дунёнинг 33 та мамлақатида Амир Темур, Шохрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур ва улуғ вазир Алишер Навоий каби тарихий шахсларнинг ижтимоий-сиёсий, илм-фан ҳамда меъморчиликка қушган улкан ишларини таъдқиқ этилди, ўрганилди. Бир қанча таъдқиқотчилар илмий изланишларни олиб бориди.

Академик Д.Ю.Юсупова Амир Темур ва Темурийлар даврига оид бир қанча форс тилидаги манбаларни таржима қилди. Бу манбалар орасида Фасих Аҳмад ал-Ҳавофийнинг “Мужмал-и Фасихий” асари таржимаси, “Хондамир ҳаёти ва фаолияти” [21] асарлари муҳим ўрин тутди. Ҳавофий асарида Амир Темур ва Темурийлар даври ижтимоий-сиёсий воқиялари билан бирга меъмойи обидалар бунёд этилишининг хронологик кетма-кетлиги берилган бўлса, “Хондамир ҳаёти ва фаолияти асарида Ҳусайн

Бойқаро даврида Ҳирот шаҳридаги меъморий обидалар, боғлар, каналлар, муҳофизат деворлари, дарвозалар ва бошқа ободончилик ишлари муфассал ёритилган.

Академик Б.Валихўжаев эса “Самарқандда Олий таълим- мадрасайи Олий-Университет тарихидан лавҳалар”[22] китобида Амир Темур ва Темурийларнинг таълим-тарбия ишлари ва мадрасала бунёд этилиши тарихини ўрганди. Тадқиқотчи Омонулла Бўриев бир қанча манбаларни таржима қилди ҳамда Амир Темур ва Темурийлар даври наққошлик санъат ишлари ва географик жойларни ўрганди. Хусусан, Ҳофиз Абруйнинг “География” асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди ва “Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё” асарида тарихий манбаларда меъморий обидалар ёритилишини тадқиқ этди[23]. Шу билан бирга янги тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб шуниси айтиш мўмкинки, Амир Темур ва Темурийлар даври меъморчилик ва ободончилик ишларини тарихшуносликда тўлиқ ёритилмаган. Яъни кўпчилик тадқиқотларда айниқса собиқ иттифок даврида коммунистик мафкура тасирида ҳаққоний ёритилмаган ва биз Ўрта Осиё тарихида алоҳида ўрин тутадиган Амир Темур ва Темурийлар даври меъморий обидаларнинг бунёд этилиши ҳамда, ободонлаштириш ишларини ҳаққоний ёритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бартольд В.В. Мечеть Биби-Ханим // Русский Туркестан. М. 1899. № 34. (Соч. Т. 4. М. 1966. С. 238-242). Бартольд В.В. Историческая литература на персидском языке // Бартольд В.В. Историко-географический обзор Ирана (Соч. Т. 7. М. 1971. С. 274-310).

2. Бартольд В.В. Улугбек и его время. Пгр. 1918 (См. также: Бартольд В.В. Соч. Т. 2. 1964. С. 37-62).

3. Бартольд В.В. Мир Али-Шир и политическая жизнь (Алишер Навои) // Бартольд В.В. Соч. Т. 4. 2. М. 1964. С. 198-260.

4. Веселовский Н.И. Рец.: Автобиография Тамерлана // Пер. с тюркского Н. Ликошина, Ташкент. 1894 // Журнал Министерства народного просвещения. Ч. 303. 1896. январь. (Отд. 2). С. 224-272; Веселовский Н.И. Надгробный памятник Тимура в Самарканде // Труды VII Всероссийского археологического съезда в Ярославле 1887 г. Т. 2. М. 1894. С. 67-72. Веселовский Н.И. О надгробии Тимура // Записки Восточного отделения Русского археологического общества, Т. 16. Спб. 1906. С. 13. Веселовский Н.И. О первоначальном месте погребения Тамерлана

(реферат сообщения) // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. Т.16.Спб.1906. С.20-21

5.Вяткин В.Л. Гури-эмир (Библиографические заметки) // Справочная книжка Самаркандской области, Вып.8.Самарканд. 1906.С.291-301.Вяткин В.Л. Материалм к исторической географии Самаркандского области // Справочная книжка Самаркандской области, Вып.7. Самарканд, 1902. С. 1-83.

6.Якубовский А.Ю. Образн старого Самарканда (Время Тимура и Тимуридов)//Восток.Кн.5.М-Л.1925.С. 140-163.Якубовский А.Ю. Феодальное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X—XV вв. //Материалм по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР.Ч.1.Л. 1932.С.1-60..Якубовский А.Ю. Самарканд при Тимуре и Тимуридах. Очерк.Л.1933,68 с.

7.Якубовский А.Ю. Тимур (Опмт краткой характеристики) // Вопросы истории.1947.№2.С.30-45. Греков Б.Д., Якубовский А. Золотая Орда и ее падение. М-Л.1950. С. 261-428 (глава «Борьба Тимура и Тохтамышав 80-х годах XIV в.»).ЯкубовскийА.Ю. Средняя Азияв XIII-XVвв.// Очерки истории СССР. Период феодализма. IX-XV вв. Ч. 2, М., 1953. С. 654-676.Якубовский А.Ю. Государство Тимура // История Узбекской ССР. Т. 1. Кн. 1. Ташкент, 1955.С.313-334.

8. Петрушевский Й.П. Движение сербедаров в Хорасане // Ученме записки Института востоковедения АН СССР.Т.XIV.М.1956.Анализ истории, социальной базм и идеологии сербедарского движения.Петрушевский И.П. Иран под властью Тимура и Тимуридов // История Ирана. М., 1977. С. 160-164.

9.Конрад Н.И. Средневековое возрождение и Алишер Навои // Иностранная литература. 1969. № 2. С. 212-220.

10..Шишкин В.А. Гури-Эмир//Бюллетень АН УзССР.1946.№2.С.24-27. Шишкин В.А. Гури-Мир // Научные трудн Ташкентского государственного университета. Вып. 232. Археология и антропология. Ташкент.1964. С.3-73.

11.Массон М.Е.Мавзолей Гур-Эмир,усьшальница Тимуридов, изд. 2-е. Самарканд.1920.32 с.Массон М.Е. О местонахождении сада Тимура «Давлет Абад»//Известия Средне азиатского комитета по делам музеев и охране памятников старинм,искусства и природм. Вып.3.Ташкент.1928.С.43-58;Массон М.Е. О постройке мавзолея Ходжа Ахмеда в городе Туркестане // Известия Средне азиатского географического общества. Вып.19.Ташкент. 1929.С.39-45;Массон М.Е. Регистан и его медресе. Изд.2-е,измененное и дополненное. Самарканд, 1929, 30 с.;МассонМ.Е. Соборная мечеть Тимура,

известная под именем мечети Биби-Ханым. Изд. 2-е. Самарканд, 1929, 16 с.; Массон М.Е. Мавзолей Ходжа Ахмада Яссави. Ташкент. 1930. 22 с.

12. Массон В.М., Ромодин В.А. Тимур и Тимуридидим // Массон В.М., Ромодин В.А. История Афганистана. Т.1. С древнейших времен до начала XVI в. М., 1964. С. 323-382.

13. Муминов Иброхим. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Ёзма манбалар маълумоти асосида. Тошкент. 1968. 51 б.

14. Пугаченкова Г.А. рец.: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура. М. 1990 // Обществ. науки в Узбекистане. 1991. №3. С. 51-52; Пугаченкова Г.А. Архитектурные памятники Мавераннахр эпохи Улугбека // Из истории эпохи Улугбека. Ташкент. 1965. С. 227-255; Пугаченкова Г.А. Садово-парковое искусство Средней Азии в эпоху Тимура и Тимуридов // Труды Среднеазиатского государственного университета. Нов. сер. Вып. 57. Исторические науки, Кн. 7. Ташкент, 1957. С. 163-167; Пугаченкова Г.А. Самарканд. Бухара. По древним памятникам Самарканда и Бухары. Изд. второе, допол. М. 1968. 203 с.; Пугаченкова Г.А. Темурнинг меъморий мероси. Тошкент. 1996. 128-б. Пугаченкова Г.А. Термез, Шахрисабз, Хива (Архитектурные памятники I-XIX вв.). М. 1976. 207 с.

15. Мукминова Р.Г. Ремесло и торговля (при Тимуре и Тимуридах) // История Самарканда, Т. 1 Ташкент, 1969. С. 195-212.; Мукминова Р.Г. Ремесленное производство в Самарканде времени Улугбека // Обществ. науки в Узбекистане. 1994. № 7, С. 17-21.; Мукминова Р.Г. Социальные слои населения по «Махбуб ал-кулуб» Алишера Навои // Восточное историческое источниковедение и специальные исторические дисциплины. Вып. 3. М. 1995. С. 99-104.; Мукминова. Р.Г. Эпоха Улугбека: ремесленное производство // Алломалар сарвари. Мирзо Улугбек таваллудининг 600-йиллигига бағишланган илмий-назарий кенгаши маърузалари тўплами. Тошкент. 1995. 132-137.б; Мукминова Р.Г. Темур ва Улугбек даврида Мовароуннахрда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт // Темур ва Улугбек даври тарихи. Тошкент. 1996. 113-15.б.

16. Асанов А.А. Мечеть Биби-Ханим // Из истории искусства Великого города (к 2500-летию Самарканда). Ташкент, 1972. С. 110-160

17. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. П-ж. 1-қисм / Форс-тожик тилидан таржима. Кириш суз ва изодли луғатлар А.Уринбоевники. Тошкент, 1969, 463 б. Мирза Мухаммед Хайдар. Тарихи Рашиди / Введение, пер.с А.Урунбаева; Урунбаев Асам. Путевные записки Абдураззака Самарканди о его поездке в Индию. Ташкент, 1960, 133-197 с. (на узб. и перс. языках); Урунбаев Асам. Абдураззак Самарканди. Ташкент;

- 1965, 48 с.; Урунбаев Асам. Шараф ад-Дин Али Йазди и рукопись его труда / Шараф Ад-Дин Али Йазди. Зафарнаме / Подг. к печати, предисл. А. Урунбаева. Под ред. А.К.Арендса. Ташкент, 1972. С. 23-24.
18. Ахмедов А. Амир Темур хақида хақиқат // Фан ва турмуш, 1990. № 8. 15-16 б.; № 9. 8-9, 16 б.; № 10. 20-22 б. Ахмедов Б.А. Хондамир. Тошкент, 1965; 54 б. Ахмедов Б.А. Давлатшоҳ Самарқандий. Тошкент, 1967.
19. История Азербайджана. С древнейших времен до присоединения Азербайджана к России. Баку, 1958 г. История Казахской ССР. Т. 1-2. Алма-Ата, 1957 — 1959 гг.
20. Алимов У. Ўрта асрларда Мовароуннахрда боғдорчилик хўжалиги тарихи. Тошкент, 1984. 15-16 б.
21. Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи («Фасихов свод») / Пер. с перс, примеч. и указат. Д.Ю.Юсуповой. Ташкент, 1980, 346 с. Д.Ю.Юсупова “Хондамир жизнь и труд” Т-2006 г 147-ст.
22. Валихўжаев Б. Самарқандда Олий таълим, мадрасайи Олия-Университет тарихидан лавҳалар. Самарқанд. 2001 й.
23. Буриев А. Дневник путешествия Гийас ад-Дина Наккаша как исторический источник // Обществениме науки в Узбекистане. 1986. N 11. С. 44-49; Бўриев О. Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё. Тошкент, 1997. 168 б.